

**Босқинчилик жиноятини содир этишда бевосита иштирок этмаган шахсларнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги туфайли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2003 йил 31 мартдаги ҳукмига асосан М. ва К. ЖК 164-моддаси 3-қисмининг «в» банди билан ҳар бири 11 йилга, Э. шу модда билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинганлар.

Суднинг ҳукмига кўра М., К. ва Э.лар қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилганлар.

М., К., Э.лар босқинчилик йўли билан бойлик орттириш мақсадида, танишлари У., ў. ва терговда шахси аниқланмаган А. исмли шахс билан жинойий тил бириктириб, 2002 йил 23 декабрь куни соат 15 ларда Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 3-мавзе, 15-уй, 68-хонадон эгаси В. нинг уйи олдига келишган. Жинойий режага мувофиқ М. ўзининг уйига кириб, У. ва ў. га икки дона пичоқ чиқариб берган. К., Э. ҳамда А. исмли шахс шерикларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўчада қолганлар. У. ва ў. хонадонга кириб, уй эгаси В. ни итариб, унинг ҳаёти учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш билан кўрқитишган. Онасига ёрдамга келган Б. нинг қорнига пичоқ уриб, соғлигининг бузилишига сабаб бўлган енгил шикаст етказиб, хонадаги стол устида турган 80.000 сўмлик телпакни тортиб олишган. Сўнгра У., ў. ҳамда уларни кўчада кутиб турган М., К., Э. лар воқеа жойидан қочиб кетишган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 6 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Биринчи ва апелляция инстанция судлари иш ҳолатларини тўғри аниқлаган бўлса-да, бироқ маҳкумларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйганлар.

ЖК 28-моддасига кўра, жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек, жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда берган ҳолда яширган, шунингдек, бундай нарсаларни олган ва ўтказган шахс ёрдамчи деб топилади.

Ишда тўпланган далиллардан кўринишича, М., К. ва Э. босқинчилик ҳаракатларида бевосита қатнашмай, ташқарида У ва ў.ларнинг хавфсизлигини таъминлаб, ёрдамчи сифатида иштирокчилик қилишган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатининг 2004 йил 4 августдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари протести қаноатлантирилиб, М., К. ва Э. ларга нисбатан суд қарорлари ўзгартирилган. Уларнинг ҳаракатлари ЖК 164-моддаси 3-қисмининг «в» бандидан шу Кодекс 28,164-моддаси 3-қисмининг «в» бандига қайта квалификация қилиниб, М. ва К. нинг ҳар бирига 11 йил, Э. га 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда Э. га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони 6-моддасининг «б» банди татбиқ этилиб, тайинланган жазо тўртдан бирига қисқартирилган.

***22-ж-95/03-сонли қарор***

